

6-29-2019

## ECONOMIC LANGUAGE AND TEXT

N. Xusanov

*Tashkent Financial Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

---

### Recommended Citation

Xusanov, N. (2019) "ECONOMIC LANGUAGE AND TEXT," *BULLETIN OF GULISTAN STATE UNIVERSITY*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 9.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2019/iss2/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in BULLETIN OF GULISTAN STATE UNIVERSITY by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

УДК 372.88

## ИҚТИСОДИЁТ ТИЛИ ВА МАТН

Н. Хусанов

Тошкент молия институти, 110100. Тошкент шаҳри

E-mail: [xusanov111@mail.ru](mailto:xusanov111@mail.ru)

### Abstract

ECONOMIC LANGUAGE AND TEXT

N. Xusanov

This article examines the features of the value of economic language, business communication and academic writing, as well as the creation of text in the preparation of qualified specialists.

**Keywords:** state language, education, business communication, academic writing, communication technology, business.

### Аннотация

ИҚТИСОДИЁТ ТИЛИ ВА МАТН

Н. Хусанов

Мақолада етук мутахассисларни тайёрлашда иқтисодиёт тилининг ўрни, бизнес мулоқот ва академик ёзувнинг аҳамияти, матн яратишнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** давлат тили, саводхонлик, бизнес мулоқот, академик ёзув, матн, мулоқот техникаси, иш юритиш.

### Аннотация

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ЯЗЫК И ТЕКСТ

Н. Хусанов

В данной статье рассмотрены особенности значения экономического языка, бизнес общения и академического писания, а также создания текста при подготовке квалифицированных специалистов.

**Ключевые слова:** государственный язык, образованность, бизнес общение, академическая писаниня, техника общения,делопроизводства.

Инсоннинг маънавий камолотга эришувида, жамиятнинг маданий-маърифий ривожиди она тилининг ўрни муҳимдир. Тил миллий маънавият, маърифат ва маданиятнинг кўзгусидир. Мамлакатимизда маънавият жабҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларда тил муаммолари, хусусан, она тилига, давлат тилига эътибор масалаларига алоҳида диққат қилинаётганлиги бежиз эмас. Республикаимизнинг "Давлат тили ҳақида"ги, "Таълим тўғрисида"ги қонунлари, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва бошқа жуда кўплаб ҳужжатларда бу йўналишдаги ишларнинг асосий жиҳатлари кўрсатиб берилган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлидан бораётган бугунги кунда дунё андозалари даражасидаги билимдон, зукко, ҳар томонлама етук иқтисодчи мутахассис кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этмокда.

Халқ хўжалигининг барча соҳаларида давлат тилида жаҳон ўлчовларига мос тарзда иш юрита оладиган, миллий-маънавий қадриятларни пухта эгаллаган, ўз фикрини ёзма шаклда тўғри ифодалайдиган мутахассисларни тайёрлаш даврининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу эса олий таълим тизимига, андозаларига янги, замонавий фанларни киритиш орқали амалга оширилади. Шундай фанлардан бири ҳисобланган "Бизнес мулоқот ва академик ёзув" талабаларнинг ўз соҳаси бўйича нутқий саводхонлигини оширишга, ёзма нутқини расмий идоравий услуб меъёрлари асосида тўғри шакллантиришга, давлат тилида иш юритиш қобилиятини ўстиришга ва ҳужжатчилик ишини пухта эгаллашларига хизмат қилишига қаратилган.

### Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Тадқиқот объекти сифатида Тошкент молия институтида қўшимча фан сифатида ўқитилаётган “Бизнес мулоқот ва академик ёзув” фани танланди. Мақолада иқтисодиёт тили, иқтисодиёт терминологияси, иқтисодий матнга сўз ва атамаларни танлаш, матнларни тузиш, уларни таҳлил ва таҳрир қилиш, иқтисодиётга оид ҳужжатларни тўғри ёзиш каби қатор масалалар таҳлил этилган. Тадқиқот жараёнида тавсифлаш, қиёсий кузатиш, таҳлил ва умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

### Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач ўтган давр мобайнида республикамизда маънавий-маърифий, ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳаларда қатор ислохотлар ўтказилди. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг қабул қилиниши таълим тизимида жиддий ислохотларнинг бошланишига асос бўлди. Тошкент молия институтида малакали ва билимдон иқтисодчиларни тайёрлаш мақсадида ўқув дастурларига янги фанлар киритилди. “Ўзбек ва рус тиллари” кафедрасининг ташаббуси ва институт раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши натижасида ўқув режасига 1998 йилдан янги фан - “Мутахассислик тили” фани киритилди (Хусанов, Мирхамидова, 2013).

Кейинчалик бу фан хорижий олий ўқув тажрибаларидан келиб чиқиб “Иқтисодиётда техник ёзув” номи билан атала бошланди (Husanov va boshqalar, 2012).

2016 – йилдан бошлаб ушбу фан “Бизнес мулоқот ва академик ёзув” фани деб номланди.

“Бизнес мулоқот ва академик ёзув” иқтисодиёт тили, иқтисодиёт терминологияси, иқтисодий матнлар тузиш, нотиклик маҳоратига бағишланган янги фан бўлиб, у шу кунга қадар бирорта олий ўқув юртида ўқув дастурига киритилмаган. Кафедра томонидан “Бизнес мулоқот ва академик ёзув” фани бўйича 18 соатлик маъруза, 36 соатлик амалиёт машғулотларини камраб олган дастур ишлаб чиқиш жараёнида фан оид хорижда чоп этилган йигирмадан ортиқ адабиётлар кўриб чиқилди (Ftrad Alrtd and others, 2013).

Хорижий адабиётлар орасидан Стефен Беллининг “Academic Writing” (2015) ва Викрам Бисен Приянинг “Business communication” (2009) ўқув қўлланмалари танлаб олинди. Бу адабиётларнинг баъзи жойлари таржима қилиниб, ижодий фойдаланилди.

“Academic Writing” фани Оксфорд, Брайтон, Сингапур университетларида асосий фан сифатида ўқитилади. Сетефен Белли Дербил, Хоттигим, Прага, Токио университетларида “Academic Writing” фанидан сабоқ беради. Стефен Беллининг “Academic Writing” қўлланмасининг энг охирги 2015 йилги 4-нашридан фойдаланади.

“Бизнес мулоқот ва академик ёзув” фани талабаларда замон талабларига мос равишда бизнесдаги мулоқот маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш, илмий саводхонликни такомиллаштиришдан иборат. Ҳозирги замонда иқтисодий олий таълим “Бизнес мулоқот ва академик ёзув” фанининг кенг қўлланишини талаб қилади. “Бизнес мулоқот ва академик ёзув” фани нотиклик, нутқ турлари, нутқий фаолият, нутқнинг коммуникатив сифатлари, нутқий этикет, нутқ тузиш усуллари, нутқнинг таркибий қисмлари, нотиклик масалаларини, шунингдек, иқтисодий матнга сўз ва атамаларни танлаш, матнларни тузиш, уларни кенгайтириш ва қисқартириш, матнларни таҳлил ва таҳрир қилиш, иқтисодиётга оид ҳужжатларни тўғри ёзиш ва яратиш қабиларни камраб олган.

“Бизнес мулоқот ва академик ёзув” фани иқтисодий назария ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари билан чамбарчас боғлиқдир. Бакалавр ўз мутахассислик фанлари билан бир қаторда иқтисод тили ва услуби, иқтисодий терминология ва атамашунослик, иш юритиш ва ҳужжатчилик тўғрисида мукамал билимга эга бўлмасдан туриб, ўз фикрини иқтисод соҳасига қўйиладиган талаблар асосида аниқ ва равшан ифода эта олмайди. Шунга кўра, бўлажак иқтисодчилар иқтисод

тилининг ўзига хос хусусиятларидан пухта хабардор бўлмоғи лозим. Бакалаврлар ўз ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон иқтисодини юксалтиришга, уни жаҳонда муносиб ўрин эгаллашига ҳисса қўшади, чет мамлакатларда ва юртимизда давлатимиз манфаатини ҳимоя қилади, куч-қудратини намоёниш этади. Шунга кўра, бўлажак иқтисодчилар давлат тили - ўзбек тилини мукамал, аниқ ва равшан эгаллашлари шарт. Шунинг учун, дастурда иқтисодий тил билимларига алоҳида урғу берилди.

Мазкур ўқув фани ўқитилиши муайян амалий йўналишга эга бўлиб, бакалавр иқтисод тили бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни, ўз соҳасига оид сўзларни ва ҳужжатларни тўғри ёзиш малакасини ҳосил қилишни кўзда тутди.

Фаннинг мақсади - иқтисодиёт соҳасида билимли, зукко, оғзаки ва ёзма саводхонлиги етук мутахассисни тайёрлаш учун талабаларда иқтисодий тил билимларини - сўз ва терминларни қўллаш, гап ва матнларни тўғри ва мантиқли тузиш, нутқий этикет ва нотиклик маҳорати бўйича билим, кўникма ва малакани шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси - талабаларга иқтисодиёт соҳасидаги сўз ва терминларнинг шаклланиш ва қўлланиш, ясашиш ва кириб келиш хусусиятларини, матнларнинг тузилиши, матнга сўз ва термин танлаш, матнни таҳрир қилиш - кенгайтириш ва қисқартириш, матн ва ҳужжатларни тўғри ёзиш, дастлабки илмий ишларни ёзишга ўргатиш, нутқ турлари, нутқий фаолият, нутқнинг коммуникатив сифатлари, нутқий этикет, нутқнинг таркибий қисмлари, нутқ тузиш усулларини ўргатишдан иборат.

Давр талабидан келиб чиқиб ўқитилаётган “Бизнес мулоқот ва академик ёзув” курсининг вазифаси қуйидагилардан иборатдир:

- бизнес мулоқот ва нутқий фаолият ҳақида батафсил маълумот бериш;
- бизнес мулоқот шакллари – ёзма ва оғзаки новербал мулоқотларни ўргатиш;
- бизнес мулоқот жараёни ва мулоқот техникасини очиб бериш;
- жамоа ўртасидаги мулоқот, йиғилишлардаги мулоқот, конференция ва семинарлардаги мулоқотни ўрганиш;
- тақдимотларни таёрлаш ва раҳбар имиджини ўрганиш;
- талабаларнинг лотин ёзувига асосланган янги ўзбек ёзувидаги саводхонлигини ўстириш, имло қоидаларини мукамал эгаллаш, иқтисодиётга доир терминларни хатосиз ва тўғри ёзишга ўргатиш;
- талабаларда ўз соҳаси тили бўйича мукамал билимларни ҳосил қилиш, иқтисодиёт тўғрисида мустақил фикрлаш ва чуқур мушоҳада юрита олишга кўникма шакллантириш;
- талабаларда иқтисодиётга оид тушунча, сўз, атама (термин)лар, сўз бирикмаларини ўз ўрнида ва тўғри қўллаш ҳамда таллафуз кўникмасини шакллантириш;
- тил меъёрлари, матн кўрилиши, иқтисодиётга доир гап ва матнларни тузиш, уларни таҳрир қилиш, матнни қисқартириш ва кенгайтириш усулларини пухта ўргатиш;
- талабаларда ўз соҳасига доир ҳужжат турлари ва уларнинг таркибий қисмлари, тўғри ҳужжатлаштириш йўллари, ҳужжатларни хатосиз ва мукамал тузиш малакасини ҳосил қилиш.

“Бизнес мулоқот ва академик ёзув” фани курси институтнинг молия, банк иши, бухгалтерия ҳисоби, суғурта иши, солиқ, бюджет ҳисоби, менежмент, иқтисодий ҳафсизлик, ғазначилик ва давлат жамғармасини бошқариш каби йўналишларида олиб борилади. Умуман, “Бизнес мулоқот ва академик ёзув” талабаларнинг ўз соҳаси бўйича нутқий саводхонлигини оширишга, ёзма нутқини расмий идоравий услуб меъёрлари асосида тўғри шакллантиришга, давлат тилида иш юритиш қобилиятини ўстиришга, ҳужжатларни тўғри тузиш ҳамда ҳужжатчилик ишини пухта эгаллашларига қаратилган.

Саводхонликни оширишда матн бўйича ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки матн нашрдан чиққан, мазмунига кўра илмий, расмий, бадий ёки ҳужжат характерида ёзилган босма

ишидир. Адабиётларда матнга қуйидагича изоҳ берилган: матн – тил табиатининг барча хусусиятлари мужассамланадиган лисоний бирликдир; матн – тилнинг яшаш, “хаёт кечириш” тарзидир. Матн яратишда қуйидагиларга эътибор бериш керак.

### *1. Кутубхонадаги адабиётлардан фойдаланиш.*

Кутубхонада қоғозда чиқарилган рўйхат мавжуд бўлади. Бу рўйхат одатда монография, дарслик, журнал мақолалари ва веб сайтлардан ташкил топади. Агар рўйхат электрон бўлса, материалнинг мавжудлигини текшириш учун кутубхона каталогига ишора берилади. Агар рўйхат қоғозда чиқарилган бўлса, матнни топиш учун кутубхона каталогидан фойдаланишга тўғри келади.

Маълумки университет ва институт кутубхоналарида одатда online каталоглар бўлади. Булар талабаларга исталган материалларни қидиришга имкон яратади. Китобнинг номи ва муаллифи маълум бўлса, китобнинг мавжудлигини текшириш осон бўлади.

### *2. Илмий услубда яратилган академик матнлар*

Бундай матнларни web сайт ёки илмий журнал мақолалари орасида кераклича топиш мумкин. Бу жараёнда энг мос матнларни аниқлаш ва уларнинг қийматини баҳолашга ёрдам берадиган жиҳатларини топиш муҳим саналади.

Матн яратиш жараёнида талабаларда манбаларга, адабиётларга танқидий ёндашув малакасини шакллантириш лозим. Бу эса ёзилган матнларни синчковлик билан ўқишни ва тушунишни талаб этади. Танқидий ёндашув самарали ўқиш усуллариغا, матннинг танқидий таҳлиliga боғлиқ.

Талабаларда ўқиш қобилиятини ривожлантириш ҳам матн яратишда жуда муҳим саналади. Маълум бир фан учун талаб қилинган миқдорда академик матнларни ўқиш талабадан катта куч ва ғайрат талаб этади. Талабалар фақат маъруза ва семинарларга қатнашиш билан кифояланмаслиги зарур, яъни улар мавзу бўйича кўплаб адабиётларни ўқиб чиқиши керак.

Матн илмий услубда ёзилганлиги учун академик матнларда кўплаб янги сўз, термин ва иборалар мавжуд бўлади. Матндаги ҳар бир сўзни, терминни, фразани ўқиш ва маъносини тушуниш талабадан маълум вақтни талаб этади.

Матн яратишда интернет манбалари муҳим ва қулай, аммо бу жараёнда ҳар бир сайтни атрофлича текшириш ва қуйидаги саволларга жавоб олиш керак: Сайтдан матн яратишда фойдаланиш мумкинми? Муаллиф номи тўғри берилганми? Матн академик услубга мосми? Матнда хатоликлар мавжудми?

Web сайтдаги матн ишонарли бўлса-да, унга танқидий муносабатда бўлиш муҳимдир. Танқидий муносабат кўрган ва ўқилган нарсани негатив қабул қилиш эмас, балки фаол савол бериш ва баҳолашдир. Бу жараёнида қуйидаги саволларни бериш лозим:

Матндаги муҳим фикр нима? Муаллифнинг асоси мантиқан тўғрими? Муаллифнинг фикрлари фойдалими? Муаллифнинг қандай камчиликлари бор? Далиллар ишонарлими? Муаллиф фикрига қўшилиш мумкинми?

### **Хулоса**

Умуман, талабаларнинг ўз мутахассисликлари бўйича билими ва ёзма саводхонлиги матнларни хатосиз, мазмунли, тизимли яратишларида, ёзишларида намоён бўлади. Бу эса матнга жиддий ёндашишни ҳамда матн устида доимий ишлашни тақозо этади.

### **Адабиётлар руйхати:**

1. Хусанов Н, Мирхамидова З. Мутахассислик тили. – Тошкент, 2013.
2. Husanov N., Husanova M., Xo'jaqulova R., Yusupov E. . Iqtisodiyotda texnik yozuv . -T.: Fan vatexnologiyalar, 2012.
3. Ftrald Alrtd, Charles Brusaw, Walter Oliu. Handbook of techical writing. - New York, Copyrisht, 2003.
4. Stephen Bailey. Akademik Writing. Handbook for international students.- London, 2015.

5. Vikram Bisen Priya. Business communication. - New Dehli, 2009.